

УЎК: [613.81/613.84](#)+612.345

ЭКСПЕРИМЕНТАЛ НИКОТИН ИНТОКСИКАЦИЯСИ ШАРОИТИДА ОШҚОЗОН ОСТИ БЕЗИ МОРФОЛОГИК ТУЗУЛИШИНING ЎЗГАРИШЛАРИ

Ахтамов Азизбек Аваз ўғли

Раджабов Ахтам Болтаевич

Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти.

Тадқиқотнинг мақсади. Лаборатор оқ зотсиз каламушларида бир ойлик экспериментал никотин интоксикацияси шaroитида ошқозон ости безининг структур, гистологик ва морфометрик ўзгаришларини аниқлаш.

Материаллар ва усуллар. Эксперимент лаборатор ҳайвонларда, улар махсус димловчи камерада сақланган ҳолда ўтказилган. Ҳайвонлар бир ой давомида кунга икки марта 10 дақиқа сигарет тутуни таъсирида булган ва бунинг натижасида уларга эквивалент дозада никотин қабул қилган.

Эксперимент якунлангандан сўнг макропепарат олинган, фиксацияланган ва гистологик қайта ишланган. Бўёқлар гематоксин - эозин билан, шунингдек коллаген толаларни аниқлаш мақсадида Ван-Гизон билан буялган. Хужайра апоптозини баҳолаш учун Bcl-2 ва CD4 иммуногистокимёвий маркерларидан фойдаланилган. Морфометрик таҳлил Лангерганс оролчаларининг, панкреатик найчалар тизими, строма ва оқизоқозон беzi бўлакларининг ўлчамлари ҳамда апоптоз даражасини миқдорий баҳолашни ўз ичига олган.

Натижалар. Экспериментал никотин интоксикацияси таъсирида бўлган ҳайвонларда ошқозон ости беziда қуйидаги морфологик ва морфометрик ўзгаришлар қайд этилган:

- Экзокрин қисмда бўлақчалар архитектураси бузилган, ацинар хужайраларда дистрофик ўзгаришлар кузатилган (42% бўлақчаларда), цитоплазмада вакуолизация ва стромада ўсиш (20-25%га орган).

- Эндокрин қисмда Лангерганс оролчалари майдони камайган (28-30%), хужайра элементлари зичлиги пасайган ва структур дезорганизация кузатилган.

- Каналгалар тизимлари дилатацияга учраган (15-20%).

- Иммуногистохимик таҳлил Bcl-2 экспрессиясининг камайганини ва CD4 ўзгаришини кўрсатган, бу эса хужайра апоптозининг ошганини (30%) акс эттирган.

Хулоса. Бир ойлик экспериментал никотин интоксикацияси ошқозон ости беziда комплекс морфологик, гистологик ва морфометрик бузилишларга олиб келади, шу жумладан ацинар хужайраларда дистрофия, стромал структур ўзгаришлар ва хужайра апоптози даражасининг ошишига олиб келди.

1. Chowdhury P., Rayford P.L. Effects of nicotine on the pancreas: an update // *World Journal of Gastroenterology*. – 2000. – Vol. 6, №4. – P. 431–435.
2. Sliwinska-Mosson M., Milnerowicz H. The impact of smoking on the development of diabetes and its complications // *Diabetes & Vascular Disease Research*. – 2017. – Vol. 14, №4. – P. 265–276.
3. Wittel U.A., Singh A.P., Henley B.J., et al. Cigarette smoke-induced pancreatic damage: role of oxidative stress // *Pancreas*. – 2006. – Vol. 33, №4. – P. 434–440.

